Ҳужжат имзоланган:

| 1 | 2 |
|---|---|
| Сана:2022.12.07 14:43:16 | Сана:2022.12.07 14:45:51 |
| серия рақами: 77d856ad | серия рақами: 778d9861 |
| Компания:QARSHI QODIR MEGA KAPITAL MCHJ | Компания:O`ZB RES IQTISODIY TARAQ VA KAMBAG`AL QIS VAZIR HUZURIDAGI T |
| СТИР: 304411704 | СТИР: 207338518 |
| ФИШ: XUSANOV TULANBOY | ФИШ: АБДУЛЛАЕВ САРДОРЖОН |
| email: | email: |

**11ED761390997D58B5981E0008000075**

электрон ҳужжат идентификатори

# Енгил конструкцияли иссиқхона ўрнатиш учун Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари хисобидан субсидия ажратиш тўғрисида
# Шартнома №18

**Қарши шаҳар**
**(шартнома тузиш жойи)**

**07.12.2022**
**(шартнома тузиш сана)**

"QARSHI QODIR MEGA KAPITAL" MCHJ (бундан буён - "Бажарувчи" деб аталади) номидан ҳаракат қилувчи директор**XUSANOV TULANBOY MUSINOVICH**, бир томондан, ва "O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIY TARAQQIYOT VA KAMBAG`ALLIKNI QISQARTIRISH VAZ" (бундан буён – "Буюртмачи" деб аталади) номидан ҳаракат қилувчи директор **RAXMANKULOV JAMSHID ALIKULOVICH**, иккинчи томондан, биргаликда “Тарафлар”, алоҳида эса “Тараф” деб аталувчилар мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

## 1. Енгил конструкцияли иссиқхона ўрнатиш учун Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари хисобидан субсидия ажратиш тўғрисида

**Ушбу шартномага биноан, Мижоз тўлайди ва қабул қилади ва Ижрочи қуйидаги шартлар асосида товарларни (хизматларни) етказиб беради:**

| № | Маҳсулот номи (хизматлар) | Товар (хизмат)лар Ягона электрон миллий каталоги бўйича идентификация коди ва номи | Товар/хизмат штрих коди | Ўлчов бирлиги | Миқдори | Нарх | Етказиб бериш қиймати | ҚҚС | | Етказиш баҳоси ҚҚС билан |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | | | | | | | ставка | сумма | |
| 1 | Деҳқонобод тумани енгил конструкцияли иссиқхона ўрнатиш учун | 10001999002000000 - Иссиқхоналарни қуриш хизмати | | дона | 2.00 | 7 739 130.00 | 15 478 260.00 | 15 % | 2 321 740.00 | 17 800 000.00 |
| | Жами | | | | | | 15 478 260.00 | 2 321 740.00 | | 17 800 000.00 |

**Шартноманинг умумий миқдори Ўн етти миллион саккиз юз минг сум 00 тийин (сумма сўзлар билан), (17 800 000.00)**

Қашқадарё вилояти маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошкармаси номидан директор Ж.Рахманқулов бир тарафдан, __________________________ номидан раҳбар ______________________________ иккинчи тарафдан қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар:

1. Шартнома предмети:

1.1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2022 йил 11 майдаги 252 сонли қарорига илова “Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан субсидиялар ажратиш тартиби тўғрисида “ Низом талабларига асосан субсидиялар ажратилади.

1.2. Ишсиз, кам таъминланган ёки камбағал оилалар аъзоси бўлган томорқа ер эгаси учун енгил конструкцияли иссиқхона ўрнатиш учун Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг Аҳолини тадбиркорликка жалб қилиш жамғармасидан Агентликнинг Қашқадарё вилоят бошқармаси таркибидаги жамғарма ҳисобварақаларига ўтказиб берилган маблағлари ҳисобидан субсидия ажратилади.

1.3. Мазкур шартнома бўйича Махаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошкармаси тўловни амалга ошириш ва томорқа ер эгасига иссиқхонани ўрнатиб бериш, томорқа ер эгаси эса ўрнатиб берилган иссиқхонадан самарали фойдаланиш мажбуриятини зиммасига олади.

№ Махсулот номи Ўлчов бирлиги Махулот миқдори 1 дона махсулот баҳоси Суммаси

1 Енгил конструкцияли иссиқхона ўрнатиш учун Сотих

ЖАМИ:

Шартноманинг умумий суммаси 306 000 000 (уч юз олти миллион) сўмни ташкил этади

II. Субсидия миқдори, тўлов шартлари, кўрсатиладиган хизматлар
сифати ва бажарилиш муддатлари

2.1. Енгил конструкцияли иссиқхона ўрнатиш бўйича _________________________, Махаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошкармаси билан тузилган шартнома тасдиқлангандан (имзолангандан) кейин 3 (уч) иш куни кун мобайнида Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш Агентлигининг Қашқадарё вилоят бошқармаси иш бажарувчига шартноманинг умумий суммасининг 30% миқдори ______________ сўм аванс (бўнак) маблағини ўтказиб беради. Шартнома умумий суммасининг қолган 70% қисмини ________________ сўми енгил конструкцияли иссиқхонани томорқа ер эгасига ўрнатиб бериб, томорқа ер эгаси ишни тўлиқ қабул қилгандан сўнг, тузилган далолатномага асосан Қашқадар вилоят махаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошкармаси томонидан тўлаб берилади.

III. Шартнома тарафларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

3.1. Махаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошкармасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:

тақдим этилган шартномани ўз вақтида имзолаш ва шартномада назарда тутилган субсидияни ўз вақтида тўлаб бериш;

томорқа ер эгаларига шартномада назарда тутилган маҳсулотлар етказиб берилмаган такдирда пул маблағларини қайтариб олиш бўйича _________________________га талабнома бериш;

_________________________ ва томорқа ер эгасидан шартномага кўра кўрсатиладиган хизматнинг бажарилганлиги бўйича маълумот олиш;

шартнома бўйича енгил конструкцияли иссиқхона ўрнатиш учун субсидия маблағларини ___________________________га тўлаб бериш3.2. Иш бажарувчининг хуқуқ ва мажбуриятлари:
томорқа ер эгасига шартномада кўрсатилган хизматларни ўз вақтида кўрсатиш;
амалга оширилган ишлар юзасидан маълумотларни Махаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошкармасига такдим этиш;
шартномада кўрсатилган иш(хизмат)ларни бажармаган (кўрсатмаган) тақдирда ҳисобрақамига ўтказиб берилган маблағларни Махаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошкармасига зудлик билан қайтариш;
шартнома шартлари бузилганлиги ҳақида Махаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошкармасини зудлик билан хабардор қилиш;
3.3. Томорқа ер эгасииинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари:
шартномага кўра ўрнатилган енгил конструкцияли иссиқхонадан самарали фойдалани;
___________________________дан шартномага кўра иш (хизмат) ни ўз вақтида етказиб берилишини ҳамда ўрнатилган енгил конструкцияли иссиқхонани зарур сифат параметрлари таъминланган бўлишини талаб қилиш;
шартнома шартларига тўлиқ риоя этиш.
IV . Тарафларнинг жавобгарлиги
4.1. Агар ___________________________ томорқа ер эгасига 10 (ўн) кун муддатда енгил конструкцияли иссиқхонани томорқа ер эгасига ўрнатиб бермаган тақдирда ўтказиб берилган маблағни Махаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошкармасига қайтариши шарт.
Мазкур шартнома ижроси давомида Махаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошкармаси, ___________________________ ва томорқа ер эгасига зарар етказилса, қонунчиликда белгиланган тартибда бир тараф бошқа тарафга зарарни тўлаб беради.
4.2. Тарафлар мажбуриятларини ўз вақтида ва сифатли бажармаганликлари учун ҳар бир кечиктирилган кун учун 0,4 фоизи микдорида, аммо кечиктирилган тўлов суммасининг 50 фоизидан ортиқ бўлмаган микдорида Махаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошкармасига пеня тўлайди.
4.3. Тарафлар шартнома талабларини бажармаганда ёки лозим даражада бажармаганда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мувофиқ жавобгар бўладилар.
V .Форс-мажор
5.1. Тарафлар ушбу Шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаганлиги учун, агар ушбу бажармаслик Шартнома тузилгандан кейин пайдо бўлган, енгиб бўлмайдиган куч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб бўлмайдиган вазиятлар (форс-мажор) оқибати ҳисобланса, жавобгарликдан озод қилинади.
5.2. Мазкур Шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмас куч ҳолатлари амал қилган даврга мутаносиб равишда кечиктирилади. Агарда форс-мажор уч ой давом этса тарафлар мазкур Шартномани бир томонлама бекор қилишга ҳақли.
VI. Низоларни ҳал этиш тартиби
6.1. Мазкур шартнома юзасидан вужудга келадиган низолар ўзаро келишув йўли билан ҳал этилади.
6.2. Тарафлар низоларни ҳал этишда ўзаро келишувга эришилмаса, Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ белгиланган тартибда суд орқали ҳал этилади.
VII. Коррупцияга қарши шартлашув
7.1. Томонлар:
- Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, ушбу Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва/ёки коррупция характерига эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмагирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш хатти-ҳаракатлари/ҳаракатсизликларини содир этмайдилар.
- Томонлар, уларнинг аффиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа Томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларини қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш, уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки ваколатланган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи Томон фойдасига қандайдир хатти-ҳаракатларни/ҳаракатсизликлар бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.
7.2. Томонда ушбу Шартноманинг 7.1-бандидаги талабларни бузиш содир этилганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли Томон бу ҳақда иккинчи Томонни хабардор қилиш, коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормалари бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллари мавжуд бўлган ҳолда эса – амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.
VII. Қўшимча шартлар
7.1. Ушбу Шартнома 2 та (иккита) нусхада тузилиб, улар бир хил юридик кучга эга.
7.2. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар барча тарафларнинг келишувига кўра ёзма равишда амалдаги қонунчиликда ўрнатилган тартибда киритилиши мумкин.
7.3. Шартноманинг амал қилиш муддати 31.12.2022 гача
7.4. Шартноманинг амал қилиш муддатининг тугаши тарафларни жавобгарликдан озод этмайди
VIII. Тарафларнинг манзиллари ва реквизитлари
БУЮРТМАЧИ:
Қашқадарё вилояти Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси ИШ БАЖАРУВЧИ:
____________________________________
Манзил: Қарши ш. Мустақиллик кўчаси 2-уй Манзил: ______________________
Х/Р: .3054218601040170419071400б2
____________________________________
____________________________________
Х/Р: ___________________________
МФО: 00014 МФО: __________
СТИР: : 207338518 СТИР: ___________
Тел: : 75-221-17-81 Тел: _______________
Бошқарма директори: _______ Ж.Рахманқулов Раҳбар: ____________ ________________
Махаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги Қашқадарё вилоят бошкармаси Бош юрисконсулти :
__________________________________________
____________ ____________
(имзо) (сана)

## 2. Томонларни юридик манзиллари ва реквизитлари

### Ижрочи

**Номи: "QARSHI QODIR MEGA KAPITAL" MCHJ**

**Манзил: ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ШАХРИСАБЗ ТУМАНИ Авазмалик МФЙ, Авазмалик қишлоғи, 717-уй**

**Телефон: 998991069199**

**Факс:**

**СТИР: 304411704**

**ОКЭД: 23610**

**Х/Р: 20208000000694404001**

**Банк: КАРШИ Ш., ЧЭКИ "INVEST FINANCE BANK" АТБ КАШКАДАРЁ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ**

**МФО: 01135**

**Буюртмачи**

**Номи: O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI IQTISODIY TARAQQIYOT VA KAMBAG`ALLIKNI QISQARTIRISH VAZ**

**Манзил: Mustaqillik MFY, Mustaqillik ko`chasi, 2-uy**

**Телефон:**

**Факс:**

**СТИР: 207338518**

**ОКЭД: 84112**

**Х/Р:**

**Банк:**

**МФО:**